2010 йил 28 декабрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 246 (11.807)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида адлия идоралари олдига қўйилган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган мажлис ўтказилди.**

**● Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда матбуот хизмати «Қонунчиликни такомиллаштириш — мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим кафолати» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбир қўмитанинг 2010 йилги фаолияти якунларига бағишланди.**

**● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг қатор вазирлик, идоралар, тижорат банклари ҳамда бошқа микрокредит ташкилотлари раҳбарлари иштирокидаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

**● Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида парламент ва сиёсий партиялар матбуот хизматлари ва нашрлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир навбатдаги семинар-тренинг ўтказилди.**

**● Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида анъанавий ташкил этилаётган «Энг илғор мутахассис» танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда қуйи босқичларда юқори баҳога эришган Мудофаа вазирлиги қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг Қоровул ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари вакиллари ҳам қатнашди.**

**● Тошкент вилояти Зангиота туманида «Спорт маликаси-2010» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 14 нафар иқтидорли спортчи қиз кўплаб қизиқарли шартлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.**

**● Наманганда Ёшлар ижтимоий хизматлари марказларининг республика фестивали бўлиб ўтди. Анжуман доирасида ўтказилган кўрик-танловда Нурота туманидаги Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази мамлакат миқёсида «Энг намунали Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» деб топилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Россия ва Хитой Эквадордаги ГЭС қурилишини ҳамкорликда амалга оширадиган бўлишди.**

**● Нью-Йоркда кескин об-ҳаво бироз яхшилангач, учта аэропорт ўз фаолиятини қисман тиклади. Таъкидлаш жоизки, АҚШнинг шарқий қисмида қор бўронлари натижасида кейинги кунларда 2 мингдан ортиқ авиарейслар бекор қилинган.**

**● Кеча Камчаткада Кизимен вулқонининг уйғониши натижасида вулқондан денгиз сатҳидан 4,5 километр баландликка кул ва лава отилди.**

**● Австралиянинг шимоли-шарқий қисмида бир неча кундан буён тинимсиз ёмғир ёғиши муносабати билан маҳаллий аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди.**

**● 2011 йил 1 январдан бошлаб Россияда электр энергиясини тежаш мақсадида 100 ватт ва ундан юқори қувватга эга ёритиш лампаларидан фойдаланиш тақиқланади.**

**● Германия ҳукумати мажбурий ҳарбий хизматга умумий чақирувни тўхтатиш тўғрисидаги янги қонун лойиҳасини маъқуллади. Келгуси йилнинг 1 мартидан эътиборан ҳарбий хизматга фақат кўнгиллилар қабул қилинади. 1 январдан эса мажбурий ҳарбий хизматга умумий чақирув тўхтатилади.**

**● Сомали қароқчилари 5,5 миллион доллар эвазига Германияга тегишли танкерни қўйиб юборишди.**

**● 2010 йил Покистон ҳудуди журналистлар учун энг хавфли ҳудуд сифатида тарихда қоладиган бўлди. Зеро, Нью-Йоркдаги Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси маърузасида қайд этилишича, жорий йилнинг ўзида Покистонда 8 нафар журналист ўз хизмат бурчини бажараётиб зўравонликлар қурбонига айланган. Дунё бўйича эса жами 42 нафар журналист тақдири шундай фожеа билан якун топган.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Келажак овози-2010»

## ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК, МАЪНАВИЯТ БАЙРАМИ

**«Келажак овози-2010» республика кўрик-танлови якунланди.**

Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган “Келажак овози-2010” кўрик-танловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни юксак маънавиятли ва салоҳиятли, мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, улар истеъдодини ўз вақтида аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг пухта тизими яратилган. Юртимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган жаҳон андозалари даражасидаги таълим муассасалари, ижодиёт ва спорт-соғломлаштириш марказлари фарзандларимизнинг миллий ва жаҳон илм-фан, маданият, санъат намуналаридан баҳраманд бўлиши, ўз қизиқишига кўра касб танлаши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини янада кенгроқ намоён этишида муҳим омил бўлаётир.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилаётган турли ижтимоий лойиҳалар, грант дастурлари, ижодий фестиваллар, кўргазмалар, санъат ҳафталиклари, концертлар, спорт тадбирлари фаол ва изланувчан ёшларнинг эзгу орзу-интилишларига қанот бағишламоқда. Бу борадаги ишлар кўлами Баркамол авлод йилида янада кенгайди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» кўрик-танлови йигит-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, инновацион технологиялар, санъат, адабиёт, меъморчилик ва дизайн соҳасидаги илғор лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва амалиётга жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўн беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этган танловда 2009 йилда олтмиш уч минг нафардан зиёд йигит-қиз ўз салоҳиятини синаб кўрган бўлса, 2010 йилда улар сони етмиш бир мингдан ортди. Бу танловга бўлган қизиқиш йил сайин кучайиб бораётганидан далолатдир.

Мазкур ижодий-интеллектуал беллашувда ғолиб чиққан ёшлар илм-фан, маданият ва санъатга оид турли кўргазмалар, фестиваллар, нуфузли анжуманларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Уларнинг илғор ғоя ва ташаббуслари ахборот технологиялари, фаннинг турли йўналишлари, меъморчилик, дизайн каби соҳаларда кенг татбиқ этилаётир. Ўз иқтидорини муваффақиятли намойиш этган ёшлар бугун юртимиздаги етакчи компаниялар ва ташкилотлар, илмий-тадқиқот марказларида самарали фаолият кўрсатаётир.

Бу йилги танловда қатнашчилар ўз билим ва иқтидорини архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика каби ўн беш йўналиш бўйича намойиш этди. Кўрик-танлов доирасида ташкил этилган илмий-амалий анжуманлар, семинарларда ёшларнинг инновацион лойиҳалари ва илмий ишланмалари атрофлича муҳокама этилди.

Таниқли олимлар, мусаввирлар, санъат ва маданият намояндалари, журналистлар иштирокида ўтказилган маҳорат сабоқлари, медиа-мактаб машғулотларида ёшларнинг муайян соҳалардаги фаолияти атрофлича таҳлил этилди, уларга зарур маслаҳатлар берилди. Турли концертлар, викториналар, бадиий кўргазмалар, интеллектуал беллашувлар мазкур танловнинг ёшларга хос баркамоллик, заковат ва маънавият байрамига айланишида алоҳида аҳамият касб этди. Ёшлар пойтахтимиздаги майдонлар, музейлар, тасвирий санъат галереялари, кўргазма заллари, тарихий ёдгорликларда бўлиб, истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

– Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини олиб боришга оид дастурий таъминот бўйича лойиҳам танловда юксак баҳо олганидан жуда хурсандман, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали талабаси Муҳаббат Раҳмонова. – Танлов ўз илмий-ижодий фаолиятимизни яна бир карра чуқур таҳлил этиш, малакали мутахассислар кўригидан ўтказиш, устозлар маслаҳатидан баҳраманд бўлиш, тенгдошларимиз ижоди билан яқиндан танишиш, янгидан-янги дўстлар орттириш имконини берди. Буларнинг барчаси юртимизда биз, ёшлар камолотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалий натижасидир.

Кўрик-танловнинг рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар йўналиши ғолиби – Лазиз Акобиров Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида таълим олади. У тақдим этган акустик ишлов бериш йўли билан меваларни қуритиш мосламаси иқтисодий тежамкорлиги, экологик жиҳатдан безарарлиги, қўллаш учун қулайлиги билан олим ва мутахассислар эътиборини жалб этди.

«Келажак овози-2010» кўрик-танловининг мамлакат босқичи ғолибларининг илмий ишланмалари ва лойиҳаларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

«Келажак овози-2010» кўрик-танловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## «ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА ЯНГИ ВА САМАРАЛИ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНМОҚДА»

***Чет эл ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилий доиралари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ахборот-таҳлил марказларида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги маърузаси юзасидан кенг муҳокамалар давом этмоқда.***

Хусусан, **Украинанинг «Халқаро курьер» газетаси бош муҳаррири ўринбосари, сиёсатшунос Дмитрий Дроботун**нинг таъкидлашича, Конституция қабул қилинган кундан бошлаб ўтган 18 йил мобайнида Ўзбекистон ўз ислоҳотлар моделига таянган ҳолда, давлат ва жамиятни ривожлантириш борасида танлаган йўлининг тўғри эканини исботлаб, мамлакатда иқтисодий ўсиш ва демократик ўзгаришлар рўй бераётганини амалда намойиш этмоқда.

«Бундай натижа давлат раҳбариятининг ислоҳотларни аниқ мақсадни кўзлаб, босқичма-босқич, муваффақиятли амалга ошириш орқали замонавий жамият барпо этишнинг янги ва янада самарали усулларини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этаётганидан далолатдир.

Ўз тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон кўзлаган мақсади сари шаҳдам одимламоқда. Бу эса республикага яқин келажакда аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси юқорилиги бўйича собиқ иттифоқ ҳудудидаги ягона мамлакат сифатида ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига ёрдам беради», дея қайд этди Д.Дроботун.

Унинг фикрига кўра, қўшни мамлакатларнинг географик хусусиятлари ва улардаги беқарорликни эътиборга олган ҳолда, давлат ва жамиятни тадрижий модернизация қилиш тараққиётга эришишнинг оқилона йўлидир. Шу ўринда айтиш жоиз, бугунги тарих шуни кўрсатмоқдаки, собиқ иттифоқнинг айрим мамлакатлари томонидан Ғарб технологияларини қўллаган ҳолда шошмашошарлик билан демократия қуришга бўлган уринишлар турли инқилобларга, ҳукуматдаги ихтилофлару муттасил сайловларга олиб келмоқда. Бу эса, табиийки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда аҳоли манфаатларини кўзлайдиган тизимли ислоҳотлар ўтказишга тўсқинлик қилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

**Ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи очилганига беш йил тўлди.**

## ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАРИМИЗНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Мустақиллик ва Эзгулик. Бу икки улуғ тушунча мазмунан уйғун, руҳан бутундир. Инсон ҳаёти учун озодлик қанчалик бебаҳо неъмат бўлса, эзгулик одамни руҳан поклайди, ўзлигига яқинлаштиради. Шу маънода, миллий истиқлолнинг ҳар бир довони тикланиш ва янгиланиш, чидам ва ирода, умид ва ишонч, бир сўз билан айтганда, эзгу амаллардан қад ростламоқда. Мамлакатимизнинг Бош майдонидаги бетакрор меъморий ансамблда бу ўзининг рамзий ифодасини топган.

Истиқлол йилларида юртимизнинг барча жойларида бўлганидек пойтахтимизда, хусусан, Мустақиллик майдонида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугун Бош майдонимиз ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар масканга, илдизлари бақувват, барқарор одимлаётган Ўзбекистонимиз рамзига, эзгу интилишларимизнинг улуғвор обидасига айланди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ 2010 йил 29 декабрь куни соат 11.00да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг еттинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— Тошкент шаҳрини 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кутилаётган якунлари ҳамда 2011 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифалар тўғрисида,

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ролини кучайтириш борасидаги 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган вазифалар тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида,

— Тошкент шаҳри давлат бюджети ижроси ва 2011 йил бюджети лойиҳаси тўғрисида,

— Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва бошқа масалалар.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **«ЎСМИРЛАР** репродуктив саломатлиги» — ушбу мавзудаги давра суҳбати Сергели туманидаги 317-мактабда Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали томонидан ташкил этилди.

✓ **МИРОБОД** туманидаги Фурқат номидаги истироҳат боғи, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, «Боғишамол», «Олмазор», «Толариқ», «Чинор» ва Ат-Термизий номидаги маҳалла гузарларида қишки таътил кунлари болалар учун Янги йил томошалари ўтказилади.

✓ **КЕЧА** Адлия вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Адлия идоралари матбуот нигоҳида» кўрик-танловининг якунлари эълон қилиниб, ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

# ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАРИМИЗНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ



*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бу муаззам майдонга қадам қўйган ҳар бир юртдошимиз мустақиллик бизга ато этган неъматларнинг нечоғлик азиз ва қадрли эканини қалбан ҳис этади, хотиржам ва фаровон ҳаёт учун шукроналар айтади.

Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси асосида Бош майдонимизда барпо этилган Мустақиллик монументи мустақилликни мустаҳкамлаш, эркин, тинч, обод ва фаровон ҳаёт қуриш халқимиз учун умр мазмунига айланганининг ифодасидир. Миллат сифатида ўзликни англаш, аждодлардан мерос салоҳият ва миллий феномен қудратини жаҳонга намоён этишга хизмат қилади.

Халқимизнинг эзгу интилишларини янада теранроқ ифодалаш, ёшларимизнинг маънавий оламини болаликдан эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йили Мустақиллик майдонида Эзгулик аркаси бунёд этилиб, Бахтиёр она ҳайкали ўрнатилди.

Эзгулик аркаси Бош майдонимизнинг ўзига хос рамзий дарвозасидир. Унинг тепасидаги парвозга шайланаётган турналар – халқимиз қалбидаги беғубор орзулар, оппоқ лайлаклар эса фаровонлик ва барака тимсолларидир. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимизнинг бақувват таянчларини ифодалайди. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир юртдошимиз ўзини табаррук ва муаззам бир даргоҳга қадам қўяётгандек ҳис қилади, Ватан равнақига ҳисса қўшишдек улуғ мақсад қалбида жўш уради.

Меъморий ансамблдаги фавворалар, ям-яшил арчалар ва майсалар юртимиздаги осуда ва фаровон ҳаёт барқарорлиги ҳамда фарзандларимиздаги баркамоллик рамзларидир.

Бахтиёр она ҳайкали – халқимизга хос меҳрибонлик, фидойилик, эзгулик, пок ният, ўз ҳаётидан мамнунлик ифодаси. Гўдагини бағрига босиб, унинг юзига шукроналик ва ҳаётга муҳаббат билан қараб турган аёл бахтли она тимсолидир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, аёл бахтли бўлса, оила соғлом бўлади, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир.

Юртбошимизнинг таклифига биноан, чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган муқаддас қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берилди.

Мана беш йилдирки, умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни йирик халқаро мусобақаларга жўнатиш ёки юртимизда бирорбир халқаро кўрик-танлов ва мусобақаларни ўтказиш олдидан ушбу обида пойига гулчамбарлар қўйиш анъана тусини олди. Шунингдек, юртимизга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ва бошқа меҳмонлар Монумент пойига гулчамбар қўйиб, мустақил Ўзбекистонимизга бўлган ҳурматини ифода этади.

Пойтахтимиздаги таълим муассасаларининг янги ўқув йилидаги илк дарси – Мустақиллик дарси Бош майдонимизда, ушбу монумент қаршисида ўтказилмоқда. Айниқса, мактаб остонасига илк қадам қўяётган фарзандларимиз дастлабки сабоқни Мустақиллик майдонида Ватанни, истиқлол инъом этган улуғ неъматларни, бугунги саодатли кунларни англаш ва ардоқлашдан бошлаши қувонарлидир.

Мустақил ҳаёт остонаси сари одимлаётган келин-куёвлар эзгу ният билан Эзгулик аркасидан ўтиб, Бахтиёр она пойига гул қўяркан, унинг сиймосида ўзининг беғубор, пок орзуларини кўргандек бўлади. Мустақиллик ва Эзгулик – аждодлардан мерос қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказиш масъулиятини англайди.

Шу кунларда Мустақиллик майдони янада кўркам ва файзли қиёфага кирган. Янги йил байрами арафасида қад ростлаган улкан арчадаги турфа безаклар ва камалакранг чироқлар, майдонда барпо этилган ўзига хос эртаклар шаҳарчаси барчага завқ-шавқ улашмоқда. Болажонларнинг шўх-шодон овози муаззам меъморий ансамблга уйғунлашиб, янада бетакрор жозиба касб этган.

Мустақиллик ва эзгулик монументи нодир ва ўлмас обида, халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми сифатида абадий қолади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, шонли тарихига садоқат билан қараб, бугунги озод ҳаётини қадрлаб, ўз келажагига катта умид билан интилаётган халқимизнинг донишмандлиги ва матонати, унинг иймон-эътиқоди, мустаҳкам иродаси ва юксак маънавий руҳи доимо барқарор яшайди.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

---

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, пухта таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шарт-шароитни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони касб-ҳунарга эга йигит-қизларни иш билан таъминлашда янги имкониятлар очди.**

Фармон ва ижро

# ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА — КЕНГ ЙЎЛ

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишнинг қонунчилик асослари янада мустаҳкамланди. Жумладан, жорий йил 14 декабрда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.

– Мазкур қонуннинг асосий мақсади таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборатдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директорининг ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор Шуҳрат Рўзиназаров ЎзА мухбирига. – Ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ташаббускорлиги йилдан-йилга ошиб бораётир. 2008-2009 ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида 77 минг 719 нафар битирувчининг 23,3 фоизи, 2009-2010 ўқув йилида 33,3 фоизи кичик корхоналар ва микрофирмаларга ишга жойлашгани бунинг ёрқин далилидир.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда 155 мингдан зиёд микрофирма ва кичик корхона фаолият юритмоқда. Айни пайтда, уларда 2010-2011 йилларда 60 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда имтиёз ва преференцияларнинг сақланиб қолиниши таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Президентимизнинг номи қайд этилган фармонига биноан микрофирма ва кичик корхоналар касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномаларини тузганда, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони қонунчиликда белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилса ҳам, микрофирма ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолиши белгиланди. Бунда, ходимлар сонининг оширилишига битирувчилар ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, кичик корхона ўз уйида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда ҳам, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолиниши белгиланган.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига киритилган ўзгартишда ушбу қоидалар ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамланди.

Мазкур қонуннинг 5-моддаси бешинчи қисмига биноан, микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 20 фоиз оширилганда, кичик корхона ўз уйида ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоизга оширилганда ушбу қоида татбиқ этилмайди. Ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирда йўл қўйилади.

Қонунга киритилган бу ўзгартишлар Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференциясининг 83 сессиясида (Женева, 1996 йил 20 июнь) қабул қилинган "Касаначилик тўғрисидаги 177-Конвенция" талабларига ҳам мос келади.

Ушбу қонун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш билан бирга, таълим муассасаларини битираётган ёшларни иш билан банд этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Норгул**
**АБДУРАИМОВА**

---

Анжуманлар

# ҚУРИЛИШ ПОЙДЕВОРИ ИЛМИЙ НАЗАРИЯСИ

**Тошкент архитектура-қурилиш институтида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти билан ҳамкорликда талаба-ёшлар иштирокида «Республикада иншоотлар замини ва пойдеворсозлик муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Анжуманда «Замин ва пойдеворларни таъмирлаш асослари», «Гидротехник иншоотларнинг сейсмик таъсирида зўриқиш ҳолатини динамик таҳлили», «Давомий чўкиш ҳолатидаги иншоотлар таҳлили» мавзуларида маърузалар тингланди.

Конференция ялпи мажлиси ва шўъба йиғилишларига 40 дан зиёд илмий-амалий ишлар тақдим қилинди.

Республикада иншоотлар пойдеворини барпо этиш борасидаги долзарб масалалар таҳлил этилган ҳамда ечимлари ҳам келтириб ўтилган илмий ишлар тўплам ҳолида нашр этилгани, шубҳасиз, қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхона-ташкилотлар, мутахассислар ва албатта, шу йўналишда илк тадқиқотларини олиб бораётган аспирантлар, магистрантлар учун тажриба алмашиш, илм-фан ва амалиёт интеграциясида инновацион жараёнларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**Савдо-саноат палатаси томонидан "SSP Maroqand" унитар корхонаси билан ҳамкорликда электрон тўловлар тизими самарасига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

# ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАРНИНГ НОЁБ ТИЗИМИ

Тадбирда, «Туркистон-пресс» хабарига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари вакиллари, халқаро экспертлар иштирок этди.

"SMS-To`lov" тизими Савдо-саноат палатаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга Германия ва Япония экспертлари жалб этилди. Таъкидлаб ўтилганидек, бундай нақд пулсиз тўловларнинг электрон тизимини ишлаб чиқишдан асосий мақсад мамлакатимизда бизнес муҳит учун қулай шароитлар яратиш, ахборот ва алоқа технологиялар кенг имкониятларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига киритиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тўловлар, ўзаро ҳисоб-китоб тизимини тезлаштириш ҳамда самарадорлигини оширишга кўмак беришдан иборатдир.

Маълум қилинганидек, "SMS-To`lov" - бу тўлов йўналтирилган компания ва мижоз ўртасида электрон тўловни амалга оширувчи тизим сифатида тўловлар бошқаруви бўйича автоматлаштирилган банк тизимига айлантирилган. Мазкур тизимга уланиш учун мижоз бир маротаба тижорат банкига мурожаат этиб, рўйхатга олиниши ҳамда мижоз депозит ҳисоби ёки пластик карточкасидаги ҳисобига уланиш лозим бўлади. Банкда мижознинг уяли телефонига электрон рақамли имзоси калити ўрнатилган "SMS-To`lov" дастури кўчирилади.

Фойдаланувчилар тўлов шохобчалари ва банкларга бормасдан, бир неча сонияда тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Савдо-саноат палатасининг ушбу лойиҳаси 2011 йилдан амалга татбиқ этила бошлайди.

Анжуман давомида журналистлар барча саволларига атрофлича жавоб олди.

**Эргаш ХЎЖАЕВ**

# ҲАМЖИҲАТЛИК МАСКАНИ

**Юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлашда маҳаллалардаги ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳамкорлик, оилалардаги тотувлик алоҳида аҳамият касб этади.**

Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармаси бўлими томонидан ҳамкорликда ташкил этилган «Одам савдосига қарши курашишда фуқаролик институтларининг ўрни» мавзусидаги анжуманда ҳам бу ҳақда кенг фикр юритилди.

Хусусан, тадбирда тинчлик-осудаликнинг қадрига етиш, диний экстремизм ва терроризм, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ички ишлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, одам савдосига қарши курашиш борасида жамоатчилик масъулиятини ошириш, аҳоли орасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларда самарадорликка эришиш масалалари илгари сурилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

---

# «ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА ЯНГИ ВА САМАРАЛИ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНМОҚДА»

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Аҳамиятли жиҳати шундаки, бундай эврилишлар натижасида қатор давлатлар иқтисодий жиҳатдан халқаро молиявий тузилмаларга тобе бўлиб қолмоқда, — дея таъкидлади украиналик сиёсатшунос.

Унинг айтишича, давлат ривожланишининг ўтиш босқичида катта аҳамиятга эга бўлган ўзбек модели мамлакатда ислоҳотларнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш, энг муҳими, ушбу ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширишга имкон берди.

Шунингдек, у Ўзбекистон раҳбариятининг 2011 йилга мўлжалланган стратегик мақсадларини ўта муҳим, деб ҳисоблайди. Д.Дроботун Ўзбекистоннинг 2011 йилга белгилаган режалари ҳақида гапирар экан, улар «ривожланган жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми» эканини қайд этди. «Янги йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» дея эълон қилган мамлакат раҳбари ўз саъй-ҳаракатларини хусусий мулк эгалари бўлмиш ўрта синфни шакллантиришга қаратди. Жамиятдаги мазкур қатлам ҳар доим замонавий демократик давлатнинг пойдевори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади», деди у.

Экспертнинг эътирофича, Ўзбекистон тажрибаси яқиндагина янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинган ҳамда бу орқали мамлакатда кичик ва ўрта бизнес юритиш жараёни анча чигал аҳволга келиб қолган Украинада ҳам фойдадан холи бўлмасди.

**Бельгиянинг «Wider EU» компанияси директори Жан Франкуиз Ривалайн**нинг таъкидлашича, ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига фақатгина жамиятнинг барча қатламлари, сиёсий партиялари ва ҳаракатларининг умумамалий ёндашуви орқали эришиш мумкин. Унинг фикрича, Ўзбекистонга хос бўлган бундай ҳамжиҳатлик эришилган ва эришилажак муваффақиятларнинг гаровидир.

«Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон парламенти палаталарининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси менда катта таассурот қолдирди. Шу ўринда айтишим жоизки, ушбу иккала маъруза бирбирини ўзаро тўлдиради ва Ўзбекистоннинг чинакам демократик давлат барпо этиш йўлидаги изчил ҳаракатларидан яққол далолатдир», деди Ж.Ривалайн.

Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон раҳбарияти асосий тамойиллари эркинлик ва демократия бўлган жамиятни ислоҳ қилиш жараёнига амалий ёндашади.

«Мамлакат Президентининг айрим ваколатлари парламентга берилиши Ўзбекистонда кечаётган демократик ислоҳотларни ортга қайтариб бўлмаслигини кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, мамлакатда кузатилаётган ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, авваламбор, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган пухта сиёсатнинг натижасидир», дея қайд этди эксперт.

**Американинг «Найтбридж Корпорейшн» компанияси маслаҳат кенгаши аъзоси Ж.Тэйлор** Президент Ислом Каримовнинг истиқболи порлоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббуси хорижий сармоядорлар учун ҳам навбатдаги хушхабар бўлишига ишончи комил эканини айтди.

— Ўзбекистон Президенти кичик бизнесни мамлакатнинг келгуси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг омили, дея таърифлаганда мутлақо ҳақдир, — дея баҳолайди у. — Бугунги кунда аксарият ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнесни рағбатлантириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш хорижий сармояларнинг кириб келиши ва миллий иқтисодиётнинг ўсишини белгилаб берувчи муҳим омиллардир.

Ж.Тэйлорнинг ишонч билдиришича, халқаро бизнес ҳамжамияти, шу жумладан, унинг ўзи узоқ йиллар фаолият юритган Осиё тараққиёт банки каби молиявий институтлар Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган махсус давлат дастурининг амалга оширилишини қўллаб-қувватлайди.

**«Worid Epsilon Enterprises inc.» компанияси президенти А.Леви**нинг таъкидлашича, «Ҳатто саноати ривожланган АҚШда ҳам меҳнатга лаёқатли аҳолининг 90 фоиздан ортиғи иқтисодиётнинг ушбу тармоғида фаолият юритади».

Президент Ислом Каримов томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўйилган вазифалар «мамлакат иқтисодиёти учун долзарб ва стратегик муҳим аҳамиятга эга». Ўзбекистонда мазкур йўналишдаги Давлат дастурининг қабул қилиниши мамлакат раҳбарининг ташаббуси узоқ муддатли ва аниқ натижага йўналтирилганини англатади.

Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларни эътиборга олган ҳолда, Америка компаниялари ўзбекистонлик шериклари билан биргаликда бир қатор соҳаларда, хусусан, электротехника, тўқимачилик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, биотехнология, нанометаллургия, сайёҳлик ва бошқа кўплаб йўналишларда самарали ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдиришмоқда.

«Шуниси равшанки, кичик бизнесга янги имкониятларнинг яратилиб берилиши ҳамда соҳанинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши тез орада ўз самарасини беради ва бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг барқарор ўсиши, энг муҳими, Ўзбекистон Президенти маърузасида таъкидланганидек, аҳоли турмуш даражасининг сифат жиҳатдан яхшиланишида ўз аксини топади», деди А.Леви.

**«Туркистон — Америка» уюшмаси раиси А.Хўжа**нинг таъкидлашича, АҚШда истиқомат қилувчи ўзбек миллатига мансуб аҳоли вакиллари мамлакат мустақиллиги, ўзбек халқининг эрки ва фаровонлиги асоси бўлган Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигини яна бир бор катта қувонч ва кўтаринки кайфиятда нишонлади.

«Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, давлат ва миллатнинг раҳбари сифатида, ўз халқининг қатъий қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда, Ўзбекистонни Конституцияда белгиланган барқарор тараққиёт сари етакламоқда», дея таъкидлади А.Хўжа. Унинг фикрича, «Туркистон — Америка» уюшмаси Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган вазифаларни тўла қўллаб-қувватлайди.

А.Хўжанинг сўзларига кўра, АҚШда Ўзбекистоннинг ривожланиш жараёнини кузатиб бораётган ҳар бир одам Ўзбекистон Президентининг Конституция кунига бағишланган анъанавий чиқишини ҳар йили катта қизиқиш билан кутади. Сабаби, давлат раҳбари ўз маърузасида ўтган йилни сарҳисоб қилиб, асосий мақсадларни ўз номида мужассам этган келгуси йил дастурининг йўналишларини белгилаб беради. Шу тариқа мамлакатда ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган аниқ давлат дастури амалга оширилади.

Шунингдек, у Ўзбекистонга бир неча бор амалга оширган сафарлари чоғида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётганига шахсан гувоҳ бўлганини айтди. «Мамлакатнинг турли туманларида қисқа вақт ичида барпо этилган ўқув юртлари ва соғломлаштириш марказлари, спорт иншоотлари ҳамда болалар ижодиёт уйлари, уларда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун яратилган қулай шарт-шароитлар дунёнинг қатор мамлакатлари учун ўрнак бўлмоғи лозим. Аммо энг асосийси шуки, мен Ўзбекистон ёшлари билан суҳбатлашганимда, уларда ўз билимларини янада бойитишга ва келгуси тараққиёт сари астойдил интилишни, уларнинг ўз мамлакатлари учун бунёдкорлик ишларига шай турганини кўрдим. Шу боис Ўзбекситоннинг келажаги ишончли қўлларда эканига аминман», деди «Туркистон — Америка» уюшмаси раиси.

У Ўзбекистон Президентининг 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиши ҳақида сўз юритар экан, ушбу ташаббуснинг нафақат долзарб, балки ҳаётга татбиқ этиш учун асосли эканини қайд этди. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши, шубҳасиз, халқ фаровонлигининг юксалишига ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий асосини янада мустаҳкамлашга имкон яратади», дея ўз сўзини якунлади А.Хўжа.

**«Жаҳон» АА.**

## «БЕК–ГАРАНТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*гўзал ва обод пойтахтимиз аҳолисини янги 2011 йил билан чин дилдан табриклайди.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда фаол қатнашаётган юртдошларимизга тинчлик-осойишталик, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Йўлингиз доимо равон бўлсин, азизлар!



## «ШАРҚ ГУЛИ»

### МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни таровaт ила кириб келаётган 2011 йил билан самимий муборакбод этади.*





***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида мамлакатимиз иқтисодиёти янада юксалиши, аҳоли фаровонлиги ошиб, дастурхонларимиз тўкин бўлишига тилакдошмиз.***

***Янги йилда энг эзгу орзу-ниятларингиз ушалсин, оилавий бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ, омад ва хуш кайфият доимо сизга ёр бўлсин!***



## ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР, АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни файз-барака ила кириб келаётган янги 2011 йил билан чин дилдан қутлаймиз.

Юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда бахт ва омад ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

Дастурхонингизга барака тилаймиз.

Яхши кайфият Сизни ҳеч қачон тарк этмасин!



«ХОРАЗМ ШАКАР» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

## Муҳтарам юртдошлар, қадрли ҳамшаҳарлар!

*Хонадонларингизга қут-барака билан кириб келаётган 2011 йил муборак бўлсин!*



Қалбларингизга инган қутлуғ айём шукуҳи йил бўйи хонадонингизда ва меҳнат фаолиятингизда сизни тарк этмасин. Ишларингизнинг барорини берсин.

Янги йил билан, азизлар!

«18-АВТОБУС САРОЙИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

## «8-АВТОБУС САРОЙИ»

*акциядорлик жамияти жамоаси пойтахтимиз аҳли ҳамда барча жамоат транспорти ходимларини орзиқиб кутилган шодиёна — ЯНГИ 2011 ЙИЛ билан чин юракдан қутлайди.*

Саломатлигингиз мустаҳкам, оилангиз тинч-тотув, ишларингиз баракали бўлсин.



## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Барчангизни кириб келаётган 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили билан чин юракдан табриклаймиз. Мустаҳкам саломатлик, оилангизга тинчлик-тотувлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз.



«ГУЗАР СЕРВИС» МЧЖ

«БАХТ-ДИЁР» ГУЗАРИ ЖАМОАСИ

